

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 11 февраль, № 32 (8094)

Жума

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРРАЛАРИМИЗ ЖУДА ЮҚОРИ, ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР КУТЯПТИ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини билан яқиндан танишиш мақсадида 10 февраль куни Самарқанд вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга ташриф буюриб, ҳудудни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича лойиҳалар билан танишганида, фаоллар билан учрашганда вилоятнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мазкур тармоқни иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантиришга эътибор қаратади. Шу билан бирга, бу ердаги муқаддас қадимжоларни обод қилиш, буюк аجدодларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга, ёш авлодни уларга муносиб бўлишга давлат эътибори.

Шавкат Мирзиёевнинг 2019 ва 2021 йиллардаги ташрифларида ҳам бу жиҳатлар устувор аҳамият касб этиб, бир қатор янги лойиҳалар белгиланган. Шу асосда Самарқандда халқаро аэропортни модернизация қилиш, эшак эшиш канали атрофида Самарқанд туризм марказини қуриш, Имом Бухорий мажмуасини реконструкция қилиш, шаҳар йўлларини кенгайтириш ва коммуникация тармоқларини янгилаш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида янги тураржой массивлари бунёд этиш каби ишлар бошланган. Ушбу қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида Самарқанд қиёфаси кун сайин ўзгариб замонавий қўриқини касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи Самарқанд халқаро аэропортини яратилган шароитларни кўздан кечиришдан бошланади.

Маълумки, бу "ҳаво дарвозаси" қарийб

83 миллион долларлик лойиҳа эвазига янгидан қурилмоқда. Ўтган йили учинчи-кўнчи йўлга қайта қурилган эди. Бугунги кунда янги терминал тўлиқ тикланиб, пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Йўл, авто-тураргоҳ ва ёритиш устунлари барпо этилмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг буюк мероси Самарқанднинг тимсолига айланган. Шу боис янги аэропорт биноси аллома бобомизнинг "Зиқи жадиди Қўрагоний" китоби шаклида барпо этилган. Терминалнинг эни 175, баландлиги 25 метр. Бир соатда 800 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Аэропортда "очик осмон" режими қўлланилади, карго хизмати ҳам йўлга қўйилади.

Янги терминални келгуси ойда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев, аёна-ёна кўра, Самарқандга ташрифи чоғида буюк муҳаддис Имом Бухорий қабрини зиёрат қилди.

Қурьон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуа қурилишини кўздан кечирди. Бу ерда қарийб 10 минг намоозхонага мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этилмоқда.

Мақбаранинг ўнг томонида, ер остида галерея қурилмоқда. Бу ерда зиёратчилар аллома қабрини кўриш имкониятига эга бўлади. Мақбара нақшошлик ва хатотлик санъати асосида сайқалланади. Унинг деворларига қадимий услубда Қурьони

карим суралари ва ҳадислар ёзилади. Шу ерда галдаги қурилиш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автоураргоҳ, автобекет, ошхоналар, савдо расталари, таҳриятхона барпо этилади.

Президент уларни сифатли қуриш, кўп сонли зиёратчиларга замонавий қўлайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Хазрати Ҳизр мажмуасидаги Биринчи Президентимиз Исломо Каримов мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрининг Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесимчасида қурилган туннелни бориб кўрди.

Бу икки кўча шаҳардаги энг катта, серкатнов йўллардан. Туннель қурилиши натижасида транспортлар ҳаракатига қўлайлик ошиб, тирбандлик бартараф бўлди. Унинг узунлиги 120, кенглиги қарийб 27 метр.

Рудакий кўчасида автомобиль ва трамвай йўли, пиёдалар ҳамда велосипед йўлаклари қурилди. Ҳудуд обдонлаштирилди.

Шу ерда Самарқандда йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича келгуси режалар ҳақида маълумот берилди.

— **Охири йилларда Самарқанд ҳар томонлама ривожланипти. Лекин ҳали одамларга қўлайлик ва хавфсизлик жиҳатини кўп иш қилиш керак. Бу ерда ҳам йил сайин машиналар кўпайпти. Йўллар, свето-**

форлар эса деярли ўша-ўша. Шунинг учун бу соҳага ихтисослашган илмий-амалий марказ ташкил қилиш мақсада мувофиқ. Улар ҳориж тажрибасини ўрганиб, жорий этиши, қайси йўлни кенгайтириш, қаерда йўлак қуриш, қаерда светофорни олиб ташлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиши керак, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев мазкур туннель яқинида, Бўстонсарой кўчасида қурилган галерея услубидаги кўприкни ҳам кўздан кечирди.

Шу пайтгача йўлнинг Сиеб канали устидан ўтган қисми анча паст бўлиб, ёнгарчилик пайтида транспорт ва пиёдалар учун ноқулайлик туғдирарди. Шу боис йўл 23 метргача кўтарилди, эни 31 метргача кенгайтирилди. Йўлнинг икки четида халқаро воситаси, шовқин камайтурувчи тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди.

Ташриф дастуридан ўрин олган навбатдаги манзил — Самарқанд шаҳридаги 59-мактаб-интернат бўлди.

Бу муассаса 1974 йилда қурилган, 2009 йилда капитал таъмирланган. Ўқув биналари, ётоқхона ва ошхона зарур шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда муассасада 259 нафар кўзи оғир болалар билан бўлади.

Мақтабада фанлар ва мусиқа тўғрисида йўлга қўйилган. Кўплаб ўқувчилар санъат ва спорт йўналишларида халқаро

миқёсда муваффақиятларга эришган. Ўтган йили мактаб-интернатни тамомлаган 19 нафар ёшдан 9 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Давлатимиз раҳбари ўқувчи ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Мурабийлар 2003 йилда, Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими бўлган пайтда ҳам бу ерда келганини ёдга олишди. Мактабдаги шароитлар, ўқишга киришдаги имтиёзлар учун миннатдорлик билдирди.

— **Ҳамма ҳаракатларимиз тағдир инсон қадрини улуғлаш мақсади бор. Бугун бу ерга сизларнинг хоҳиш-истакларингиз, муаммоларингизни билиш учун келдим. Мақсадимиз — яхши ўқиб, ишлаб, жамиятда ўрин топишингиз учун шароит яратиш, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ўқитувчилар Брайль алифбосидаги янги дарсликлар, айниқса, чет тили бўйича китоблар, компьютер клавиатуралари етишмаётганини айтди. Имконияти чекланган болалар билан ишлаш малакасига эга педагоглар ҳам кам.

Президентимиз буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, кўзи оғир инсонлар учун имкониятлар кенгайтирилишини таъкидлади.

— **Шундай қарор қабул қилмаски, аввало мактабларнинг ўзида ўқувчилар касбга ўргатилади. Ҳар бир олийгоҳда, ташкилотда кўзи оғир инсонлар учун алоҳида ўринлар бўлади. Бу соҳадаги энг катта қийинчиликлардан бири — мактабгача таълим. Шунинг учун ҳар бир мактаб-интернат ёнида бочча ҳам қуриш керак, — деди давлат раҳбари.**

Бу борада ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари "Silk Road Samarkand" туризм маркази қурилиши билан танишди.

Бу улкан мажмуа Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида барпо этилмоқда. Лойиҳанинг қиймати 381 миллион долларни ташкил этади. Бугунги кунда 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, "Абадий шаҳар" карвонсаройи қурилмоқда. Меҳмонхоналарнинг иккитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Бу ерда замонавий хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

— **Бизда туристлар келиб томоша қиладиган бино ва обидошлар кўп. Лекин хизматлар тури кам, сифати паст. Бу марказда кўп тармоқли хизмат кўрсатиш йўли қўйилиши керак. Туризм соҳасида ўқиётган талабалар шу ерга келиб, амалиёт ўташи зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Президентимиз "Абадий шаҳар" карвонсаройини ҳам кўриб кўрди. Бу жой юртимизнинг қадимий шаҳарларини эслатади, халқимизнинг меъморийлик анъаналари, амалий санъат турлари, миллий таомлар, қадимий бозорларимиз кўринишини муҳассама этади.

— **Бу ерда тарихимиз, маданиятимиз намоян бўлади, одамлар болалари билан келиб кўради. Шунинг учун биналардаги беақалар, ранглар меъёрида, миллийлигимизга хос бўлиши керак. Карвонсарой ҳовлисида хунармандлар растансини ташкил қилиш ҳам мумкин, — деди Президент.**

Давлатимиз раҳбари Жомбой туманидаги "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Худудда 4 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ундан ортиқ дўкон, маиший хизмат шохобчалари, ошхона ва қандолат чеҳида хотин-қизлар ва ёшлар иш билан банд. Минг ўринли мактаб, мусиқа ва санъат мактаби, 600 ўринли болалар боччаси бор. Маҳалла марказида ташкил этилган ўқув масканида шу ерлик ишчи аёлларга тиккувчилик сирлари ўргатиляпти.

Маълумки, мамлакатимизда маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизим жорий этилди. Шу асосида Жомбой туманидаги 38 та маҳаллага ҳам ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари тайинланди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

Ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари ўзлари масъул маҳалладаги ўрганиш натижалари, муаммоларни ҳал этиш бўйича режаларини сўзлаб берди. Ёрдамга муҳтож оилалар аъзолари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилиши, ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёзли кредит ва субсидия берилиши, деҳқон хўжалиги учун ер майдонлари ажратилиши айтилди.

Бу йил Жомбойда маҳаллабай тизим орқали тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун 62 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 4,5 миллиард сўм субсидия ажратиш кўзда тутилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифи якунида ҳокимлар ва сектор раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шаҳар ва туманлардаги долзарб иқтисодий-иқтисодий масалалар кўрсатиб ўтилди. Айрим ҳокимлар порахўрлик, таниш-билишчиликка йўл қўйган, одамлар дардига беэътибор бўлган. Зарур маблағлар ажратилган бўлса-да, ичимлик суви, иссиқлик ва электр таъминотини яхшилаш ишлари суи таъкидланди.

Сув тежовчи технологиялар жорий қилиш учун ажратилган субсидия маблағлари мақсадсиз ишлатилган. Вилоят банкларида муаммолар кредитлар ҳажми ортаган, кредитларни нотўғри ажратиш, имтиёзли кредитларга мўлжалланган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланган. Йўл-транспорт ҳодисалари, жиноятлар сони ошган.

Уз фаолиятида масъулиятсизликка, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун бир қатор туман ҳокимлари, худудий идоралар раҳбарлари вазифасидан озод қилинди. Камчиликларни бартараф этиб, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллар фаровонлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

— **Марраларимиз жуда юқори, халқимиз биздан амалий натижалар кутяпти. Мана, бугун ўн нафар раҳбарни ишдан олдим. Бундан бўён ишлаган раҳбарларга чора жуда қаттиқ бўлади. Бундан ҳамма хулоса қилиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев йиғилиш якунида.**

Шу билан давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифини якунлади.

З.ЖОНИБЕКОВ, А.МУСАЕВ, Ғ.ХАСАНОВ, ЎЗА МУҲБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОТАШИН ШОИР, ТАРЖИМОН ВА ДРАМАТУРГ УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг бетакор истеъдоди, юксак матонат ва халқпарварлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас эз қолдирган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан биридир. Унинг эзгу инсоний фазилатлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуси билан йўл қўрилган етук бадиий асарларининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда шоир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакил-

ларининг 2022 йилда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов) бир ой муддатда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи дастурни, уни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиланган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини мамлакатимизда адабиёт ва санъат байрами сифатида кенг нишонлаш;
Усмон Носирнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатагон даврида

кечган йилларини ўрганиш, ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаятган кўлжа асарларининг тақдирини ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида тарихчи олимлар ва ижодкорлардан иборат ишчи гуруҳи тузиш ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россия Федерациясидаги тегишли архив материаллари билан танишиши учун шароит яратиш;
Наманган шаҳрида Усмон Носир ҳайкалини ўрнатиш;
Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги кўчаларга Усмон Носир номи бериш;
Усмон Носирнинг "Танланган асарлар" тўплами ҳамда "Усмон Носир замондошлари хотирасида" китобини нашр этиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг ташкил этилиши ўзбек замида таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларини амалий фойдаланиш жараёнида янги босқични бошлаб берди.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуг аллома ва мутафаккирларимизнинг қўллаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.
Халқимизнинг бебаҳо мулки ҳисобланган ноёб ёзма ва тошбосма меросини сақ-

лаш ва тадқиқ қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қадимий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб

белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (кейинги ўринларда — Марказ), Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (кейинги ўринларда — Шарқшунослик институти) ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг (кейинги ўринларда — Миллий кутубхона) жамоатчилик учун очик бўлган Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини (кейинги ўринларда — Давлат реестри) шакллантириш ва давлат тасарруфидоги музейлар, кутубхоналар ва архив фондалари фаолиятига интеграция қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ОТАШИН ШОИР, ТАРЖИМОН ВА ДРАМАТУРГ УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ Тўғрисида

◀(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда **“Замонавий ўзбек адабиёти ривожига Усмон Носир ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида илмий-амалий конференция** ўтказилди.

Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида **ҳужжатли фильм** суратла олиш, **спектакллар саҳналаштириш, мусика асарлари ва қўшиқлар**, интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган **аудиовизуал асарлар** яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида туркум материаллари эълон қилиш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган **“Унутмас мени боғим” мавзусида иншолаб танловини** ўтказиш;

мамлакатимиздаги таълим ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда танлақли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида Усмон Носир ижодига бағишланган **учрашувлар, давра сўхбатлари** ҳамда **китобхонлик кечаларини** ташкил этиш;

2022 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида **Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-бадий хотира кечасини** ўтказиш.

4. Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов)га Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Ҳ.Камилов): Маданият вазирлиги, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси ва “Шахидлар хотираси” жамғармаси билан биргаликда белгиланган тартибда Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Маринск шаҳрида Усмон Носир хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатиш ва унинг тантанали очилиш маросимини ўтказиш юзасидан Россия Федерациясининг тегишли идоралари билан муокарадор ўтказиш ҳамда натижаси бўйича Ташкилий қўмитага тақлиф киритсин;

Ўзбекистоннинг Новосибирск шаҳридаги Бош консулхонаси томонидан шоир хотирасига ҳамда ўзбек адабиёти ва маданияти тарғиботига бағишланган тадбирларни Россия Федерацияси Кемерово вилоятинидаги ўзбек диаспораси вакилларини жалб этган ҳолда ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджети, Маънавият ва ижодий қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси, ташкилотчилар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 10 февраль

Мулоқот

ГЕРМАНИЯ ЭЛЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиса Танзила Норбоева Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Тило Клиннер билан учрашди.

Германия элчиси Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва янада ривожлантириш, хорижий инвестор ва шерикларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотларни юқори баҳолади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат

қилаётган парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлаб, турли даражадаги делегацияларнинг ўзаро мунтазам таъбирларини ташкил этишга ҳамда Ўзбекистон ва Германия парламентлари қўмиталари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга таяёр эканлигини билдирди.

Ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболи кўриб чиқилди

Шу кун Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси раиси Танзила Норбоеванинг Европа тикланиши ва тараққиёт банкининг Марказий банк бўйича бошқарувчи директори Жужанна Харгитай билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва ЕТББ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Ж. Харгитай хоним мамлакатни модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, jumладан, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини комплекс равишда ислоҳ қилиш, банк-молия тизимини такомиллаштириш, капитал бозорини ривожлантириш, банкларни хусусийлаштириш бўйича кўрилаётган из-

чил чора-тадбирларни юқори баҳолади.

Мулоқот давомида гендер тенглик ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини кучайтириш, аёллар таъбиркорлигини ривожлантириш бўйича мамлакатимиз эришаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

◀(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Марказ Давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Марказ: республика ҳудудидаги барча музейлар, кутубхоналар ва архив фондларида сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг **давлат реестрини тузади** ва доимий мониторингини юритади;

Давлат реестри асосида қадимий ёзма манбаларнинг турлари бўйича (қўлёзма, тошбосма манбалар, тарихий ҳужжатлар) каталоглари ва электрон нусхаларини яратади, уларни **Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини юритиш бўйича ягона ахборот тизимига киритиш** ҳамда **мунтазам тўлдириб бориш** чораларини кўради;

Марказ ва Шарқшунослик институтида марказлашган ҳолда сақланадиган ва Давлат реестрига киритилган қадимий ёзма манбаларнинг **ҳолати, доимий мониторинг ва тадқиқ этилиши натижалари ҳақидаги** маълумотларнинг мунтазам равишда махсус порталлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон халқро ислом академияси ва Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан биргаликда қадимий ёзма манбаларнинг **консервацияси ва реставрацияси** билан шугулланаётган соҳа ходимларининг мунтазам равишда **касбвий салоҳияти ва малакасини ошириш**, шунингдек, соҳа учун **етук мутахассис кадрларни тайёрлаш** бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

4. Марказ:

а) **бир ой мuddатда** Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ва “Узархив” агентлиги билан биргаликда **Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини юритиш бўйича ягона ахборот тизимини** (кейинги ўринларда — ягона ахборот тизими) яратиш концепцияси ва техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда лойиҳа техник ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

б) **икки ой мuddатда:**

Шарқшунослик институти, Имом Бухорий халқро ислом илмий-тадқиқот маркази, Маданий мерос агентлиги ва “Узархив” агентлиги билан биргаликда **Қадимий ёзма манбалар давлат реестри тўғрисидаги низомини** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

республика ҳудудидаги музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг илмий долзарблиги ва муҳимлигига қараб, уларни **таржима ва тадқиқ қилиш жадвалини** ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда халққий тилда **босқичма-босқич нашр этилишини** йўлга қўйсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси Марказ билан биргаликда: **икки ой мuddатда** давлат тасарруфидоги музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларни **Марказ тасарруфига ўтказиш** бўйича режани тасдиқлаб, босқичма-босқич амалга оширсин;

Марказга сақлаш ва тадқиқ қилиш учун олиб келинган қадимий ёзма манбаларнинг тегишли (худудий, идоровий, шахсий ва бошқа) **мансублигидан** келиб чиқиб, **алоҳида коллекция ҳолида** муҳофаза қилинишини таъминласин; режа-график асосида хорижий мамлакатларга **илмий экспедициялар уюштириш орқали** аҳоли ва турли фондларда сақланаётган юртимиз алломалари ва мутафаккирларининг ижодига мансуб бўлган **қадимий ёзма манбаларнинг каталогларини ва электрон нусхаларини аниқлаш**, Марказ фондига олиб келиш ва **илмий муомалага киритиш** чораларини кўрсин;

икки ой мuddатда жисмоний ва юридик шахслардан қадимий ёзма манбаларни харид қилиш, уларни давлат тасарруфига топшириш механизмларини ишлаб чиқсин.

6. Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Қадимий ёзма манбаларни консервация ва реставрация қилиш лабораторияси** (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Лаборатория республика ҳудудидаги музейлар, кутубхоналар ва бошқа муассасаларнинг архив фондларида, жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган **қадимий ёзма манбаларни**

уларнинг буюртмаси асосида таъмирлаш ишларини амалга оширади;

қадимий ёзма манбаларни таъмирлашдан тушган маблағлар **Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга** сарфланади;

Лабораторияни ташкил этиш, зарур асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни **ўрнатиш**, шунингдек, ўз ташаббусига кўра **Марказ фондида сақланаётган қадимий ёзма манбаларни таъмирлаш** билан боғлиқ харажатлар Марказ учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамгарма) маблағлари, халқро молия институти ва ташкилотларининг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига **ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси йўналишига етарли даражадаги bilim ва иш тажрибасига** эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан Жамгарма ҳисобидан **фўкарло-ҳуқуқий шартномалар асосида** жалб қилинади. Лаборатория Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй манзилидаги Ўзбекистон халқро ислом академияси биносига **бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида** вақтинча жойлаштирилсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Б.Абидов, Ш.Вафоев) Лаборатория фаолияти учун халқро молия институти ва ташкилотларининг **техник кўмак маблағлари (грантларини жалб қилишга** кўмаклашсин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида **“Қадимий ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси”** таълим йўналишида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Шарқшунослик институти ва Марказ билан биргаликда **икки ой мuddатда** республикадаги илмий марказлар, музейлар, кутубхоналар ва бошқа муассасаларнинг кўлемсиз фондларидаги ҳолатни ўрганиб, **манбашунос-реставраторларга бўлган мавжуд эҳтиёжни аниқласин** ҳамда **2022/2023 ўқув йили учун таълим йўналишига квота ажратиш тўғрисида** Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** Тошкент давлат шарқшунослик университетини, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети ва Ўзбекистон халқро ислом академиясида **“Матншунослик ва адабий манбашунослик”** таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича маблағаврият ва магистратура босқичлари учун зарур квоталар доимий ажратиб борилишини таъминласин.

Белгилансинки: **“Матншунослик ва адабий манбашунослик”** ҳамда **“Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз филология)”** таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларнинг ўқув жараёни, амалиёти, диплом иши ва магистрлик диссертациялари ҳимоялари **Шарқшунослик институти, Марказ, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва бошқа қўлёзма фондларида** соҳанинг етук мутахассислари ва олимлари иштирокида ўтказилади;

Ўзбекистон халқро ислом академияси **“Матншунослик ва адабий манбашунослик”** таълим йўналиши бўйича **таянч олий таълим муассасаси** ҳисобланади.

9. Иновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой мuddатда:** Марказ, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқро ислом академияси, Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази учун қадимий ёзма манбаларни ўрганиш бўйича **илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси** белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган **мақсадли илмий лойиҳаларга** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **маблағлар ажратилишини** таъминласин.

10. Марказ Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқро ислом академияси, Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази, “Эл-уртуми” жамғармаси, Иновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этиш билан шугулланувчи **илмий ходим ва реставраторларнинг ҳар йили хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш** чораларини кўриб бориш.

Илмий ходим ва реставраторларнинг хорижда **амалиёт ўташи ва стажировкаси буюртмачи ташкилотлар учун** Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **ташкил этилиши** белгилаб қўйилсин.

11. Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган буюк аллома ва мутафаккирларнинг **илмий меросини** аҳоли, айниқса, ёшлар орасида янада **оммалаштириш**, улар тўғрисидаги маълумотларни **замонавий усуллар орқали жамоатчиликка етказиш**, шунингдек, мазкур йўналишда олиб бориладиган **тадқиқотлар учун янада қулай имкониятлар яратиш** мақсадига Интернет жаҳон ахборот тармоғида **Юртимиз алломалари ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда маънавий мероси ҳақидаги илмий-маърифий портал** (кейинги ўринларда — илмий-маърифий портал) ва унинг **мобиль иловаси** ишга туширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат реестрини шакллантириш, илмий-маърифий портал ва унинг мобиль иловасини ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар **Марказ учун Давлат бюджетидан назарда тутилган мақсадли маблағлар** ҳамда кейинчалик уни **сақлаш ва фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамгарма маблағлари** ҳисобидан қопланади.

12. Қуйидагилар: а) Марказ Миллий кутубхона, Кинематография агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда:** илмий-маърифий порталнинг **ишга туширилишини;** илмий-маърифий порталга буюк аллома ва мутафаккирларнинг **ҳаёти, илмий мероси ҳақидаги маълумотлар**, уларнинг фаолиятига **оид чоп этилган китобларнинг электрон нусхалари**, фильмлар ҳамда ёшларнинг **интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган** бошқа турдаги маълумотлар жойлаштирилишини;

б) Ёшлар ишлари агентлиги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Марказ ва Миллий кутубхона билан биргаликда **икки ой мuddатда** ҳудудларда **ёшлар етакчилари томонидан** буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш бўйича **маҳаллалар kesимида “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини** таъминласин.

13. Шарқшунослик институти, Марказ, Ўзбекистон халқро ислом академияси ЮНЕСКО, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам олами ташкилоти (ICESCO), Ислам тарихи, маданияти ва санъатини тадқиқ этиш маркази (IRICA) каби нуфузли халқро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда **аънавий тарзда қадимий ёзма манбаларни муҳофаза қилиш ва тадқиқ этишини** долзарб масалаларига бағишланган халқро конференцияни ташкил этсин.

14. Марказ Фанлар академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2022 йил якунига қадар Марказий Осиё минтақаси доирасида қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш соҳасида қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Марказ ва Фанлар академияси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадига **Ислам тараққиёт банки ва бошқа жамғармалар, донор ташкилотларнинг бегараз маблағлари** ҳамда ёрдамларини жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПК-5186-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

17. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 10 февраль

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОМИССИЯ ОЛДИГА ҚўЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ УДДАЛАЙ ОЛДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг “2021 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифалари”га бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия томонидан ўтган даврда аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги дастурларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида қилинган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда парламент қуйи палатаси депутатларининг тарқибда аёл депутатлар сони 48 нафарни ташкил қилади. Бу, ўз навбатида, қуйи палатадаги ушбу комиссиянинг фаолияти парламент ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Шу мақсадда аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, соҳага оид

қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тизимий ишлар олиб борилди. Хусусан, комиссия аъзолари томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда фуқаролар билан турли учрашувлар ўтказиш, мазкур жараён-д хотин-қизларни қўйиётган муаммолар-ни чуқур ўрганиш, уларнинг ечими юзаси-дан зарур чораларни қўришга алоҳида эъти-бор қаратилди. Бу борада комиссия аъзо-лари томонидан ҳудудларда жами 6 марта назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, комиссия аъзоларининг ҳудудлардаги фаолиятлари давомида “аёл-лар дафтари”нинг юритилиши, ушбу бўйича қиртилган хотин-қизларга кўрсатилаёт-ган ёрдам ва берилаётган имтиёзлар ҳолати ўрганилди. Бу жараёнда “аёллар дафтари”-ни юритишда йўл қўйилган камчиликлар-ни аниқлаиб, уларни бартараф этиш чорала-ри кўрилган бўлса, айрим эҳтиёжманд аёл-ларга моддий-маънавий кўмак берилди.

Хисобот даврида 15 нафар аёлнинг пой-тахтдаги махсус тиббиёт марказларида даволаниши учун йўланма олиб берил-ди, 2 нафар хотин-қизнинг фарзандларида республика юрак касалликлари шифохона-сида тугма юрак етишмовчилиги бўйича жаррохлик амалиёти ўтказилишига кўмак-лашилди. Энг муҳими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкор-ликда чекка ҳудудлардаги “аёллар дафта-

ри”, “ёшлар дафтари”га кирган 100 нафар хотин-қизнинг касаначилик йўналишида бандлиги таъминланди.

Шу билан бирга, комиссия парламент-нинг қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаол иштирок этди. Бунда комиссия ўзи-нинг вазифа ва функцияларидан келиб чи-қиб, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, улар-нинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оши-ришга, хотин-қизларга нисбатан таъзия-би эъзронликнинг олдини олишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чи-қишда муҳим аҳамиятга эга асослантирил-ган тақлифларни илгари сурди.

Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтган тадбир якунида оила қадри-ятлари ва аёлларни эъзозлаш, оилани мустаҳкамлашга оид теги

СЕНАТОРЛАР ҲУДУДЛАРДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ҲАМДА ҲАММАГА АСОСИЙ ЛОЙИХАНИ ТАЎБИШ ТИЗИМИ

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларга чиқиб, тарғибот тадбирлари ҳамда ўрганишлар ўтказмоқда.
Ана шундай тадбирлардан бири халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашида ташкил этилди. Унда ўсимликшунослик ҳамда экология йўналишида фаолият юритаётган кўчма олимлар, мутахассислар ва депутатлар қатнашди.
Ўрганиш
Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умумий миллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган берилган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

мутахассисларнинг таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиш, "Яшил макон" умумий миллий лойиҳаси қандайдиган амалга оширилиши хусусида тўхталди.
— "Яшил макон" умумий миллий лойиҳаси бир неча йил давомида амалга оширилмаган тадбир, — деди сенатор. — У 1 мартдан бошланади, унинг доирасида келгуси йилларда Хоразм вилоятида ҳудуд иқлимига мос минглаб дарахт кўчатлари экилиши режалаштирилган. Бунда ҳаммага асосий фаоллик кўрсатиб, экилган кўчатларни парваришларимиз лозим. Эртага фарзандларимиз ана шу яшил маконда яшайди. Бу, ўз навбатида, экологик ҳолатни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.
Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлисида таъминланган қўнлар ва кўриб чиқилган бошқа масалалар, Тараққиёт стратегияси ҳамда уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш, парламент юқори палатасининг тегишли қарорларида белгилаган топшириқлар ижросини ўрганиши, ушбу масалаларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига амалий ёрдам кўрсатишга ва бошқа масалалар таҳлил қилинди.

Тошкент вилояти ҳоқимлигида ўтган тарғибот тадбирида Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қўтбиддин Бурҳонов қатнашди.

Сенатор тадбир иштирокчиларига парламент юқори палатасининг йиғирма учинчи ялпи мажлисида таъминланган қўнлар ва кўриб чиқилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш берди.

Тадбирда "Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун, "Ташаббусли бюджет": маҳаллий бюджетлар маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби, давлат раҳбарининг 2022 йил 27 январьдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, ҳудудларда инвестиция лойиҳаларининг

амалга оширилиши, ер ажратиш билан боғлиқ масалалар, аҳоли муурожаатлари, "Яшил макон" умумий миллий лойиҳаси хусусида ҳам сўз юритилди.
Ўз навбатида, бир қатор соҳалар мутахассислари сўзга чиқиб, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, хотин-қизлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар бўйича маълумот берди. Хусусан, Тошкент вилояти ИИББ Профилактика хизмати бошлиғи ўринбосари Шахноза Содиқова таъкидлаганидек, вилоятда жиноятларнинг 6,6 фоизи хотин-қизлар томонидан содир қилинган бўлиб, бу бarchани ҳўшуёрликка чорлайди.
Мулоқот давомида "Яшил макон" умумий миллий лойиҳасининг мазмун-мо-

ҳияти ва бу борада парламент, депутатлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш масаласи ҳамда бугунги кунга республкада ва Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2021 йил куз фаслида вилоятда 7 минг 300 тупдан зиёд дарахт кўчатлари экилган, ушбу хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади ва баҳор фаслида 10 миנגдан зиёд кўчатлар экилиши режа қилинган.

Шунингдек, тадбирда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаган вазифалар ижроси, ундан қўтилаётган натижалар, бу борада сенатор ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳамкорликда амалга оширадиган ишлари ҳам таҳлилдан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

Хоразм Маъмун академиясида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Хоразм вилояти ҳоқимлиги ҳамкорлигида 2022-2023 йиллар давомида ЮНЕСКО шафелигида нишонланадиган Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллик муносабати билан юртимизда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, лойиҳалар хусусида фикр алмашилди.

Йиғилишда бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётгани таъкидланди.

Ушбу эзгу ва улғвор гоғия хайёти татбиқ этишда буюк алломуларимиз, хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг бебаҳо мероси муҳим манбадир. Шу боис юртимизда улуг алломуларимизнинг илмий асарларини чуқур ўрганиши ва уларни халқимизга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Чунони, бугунги кунда Абу Райҳон Беруний илмий мероси дўғини қатор давлатларда кенг таъдиқ этилмоқда. Аллома илғари сурган хайётбахш гоғиялар, жаҳон тамаддунида катта ўрин тутган илмий ютуқлар тарғиб қилинган. Шу мақсадда ЮНЕСКО шафелигида алоҳидадан 1050 йиллик юбилейни Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон, Озарбайжон, Покистон каби мамлакатларда кенг нишонлаш режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу давлатларда жаҳон микёсида ўтказиладиган мазкур тадбирга кенг қўламада таъйёрлик ишлари бошлаб борилади.

Йиғилишда аллома юбилейини юртимизда ҳам кўтаринки рўҳда ўтказиш, хусусан, Хоразм Маъмун академиясида бу борада барча зарур шарт-шароитни ҳозирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, юбилей тадбирлари доирасида "Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришида Абу Райҳон Беруний илмий меросининг аҳамияти" мавзусида халқаро конференция, "Абу Райҳон Беруний фаолияти суратларда" номли кўргазма ҳамда рассомлар талпови, ёшлар ўртасида эса улуг аждоҳимиз мerosи бўйича фан олимпиадаси ўтказилади, қомусий олим фаолияти акс этган альбом тайёрланади. Хоразм Маъмун академияси олимлари, Урганч давлат университети таъдиқотчилари томонидан Абу Райҳон Беруний илмий фаолияти билан боғлиқ олиб борилаётган илмий таъдиқотлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватланади.

Анжуманда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЮТУҚЛАР БОР, МУАММОЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси Туризм ва спорт вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг тартиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш ҳақида"ги ахборотини эшитди.

Эшитув

Кун тартибидеги масала юзасидан туризм ва спорт вазирининг ўринбосари А. Аслонов ахборот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида спорт соҳасида қатор муаммолар ҳал этилиб, уни янада ривожлантириш, оммалаштириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, аҳоли яшаш пунктларида "Саломатлик йўлаклари", стритбол, бадминтон, мини-футбол ва "Workout" майдончалари қуриляпти, ташкилотларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказилмоқда.

Шунингдек, бир сутка давомида ўн миנג қадм ва ундан қўн юрган 374 миנגдан ортиқ фаол фойдаланувчиларга бугунги кунга қадар 43 миллиард сўм маблаг тўлаб берилди. Вазирлик мазкур масалада шу йил якунига қадар платформадан фойдаланувчилар сонини 7 миллионга, ўн миנג қадм ва ундан қўн юрувчилар сонини 1,2 миллион нафарга етказишни режалаштирди.

А. Аслонов таъкидлашича, вазирлик аҳолини оммавий югуришга жалб этиш мақсадида "Янги нафас" лойиҳаси асосида "Save Arai" халқаро марафонини республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ўтказиб, унда 50 миנגдан зиёд аҳоли қамраб олинди.
Спортни аҳолига яқинлаштириш, яшаш массивларида спорт майдончаларини барпо этиш доирасида маҳаллаларда 6 минг 894 та "Workout", 1 минг 773 та стритбол, 7 минг 562 та волейбол, 6 минг 13 та баскетбол, 663 та бадминтон, 3 минг 594 та мини-футбол майдончаси, 1 минг 95 та фитнес зали ишга туширилди. 1 минг 196 километр саломатлик ҳамда 1 минг 80 километр велосипед йўлакларини фойда-

ланишга топширилди. Натижада бугунги кунга қадар юртимизнинг ўртача 27,6 фоиз аҳолиси спорт билан қамраб олинди.

Аҳолини спортга жалб этиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини кундалик одатга айлантиришни тарғиб этиш орқали асаб тизими, овқат ҳазм қилиш, миё фаолияти, юрак-қон томир ҳамда нафас олиш тизими, ўткир ичак касалликлари сезиларли даражада қамраб олинди. Ҳар чоракда бир марта "Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла" талнови доирасида миנגлаб спорт мусобақалари ташкил этилиб, 2 миллиондан ортиқ фуқаролар қамраб олинди.
Эшитувда таъкидланганидек, спорт мусобақаларини маҳаллабўй тизими асосида 4 та босқичда: маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика даражасида ўтказиш жадвали тасдиқланди. Мазкур мусобақаларда 6 миллиондан зиёд ёшлар иштироки таъминланди, улардан 12 миנג нафар иктидорли ёш спортчи танлаб олинди ва миллий терма жамоанинг асосий ва захира таркибига киритилди.

Депутатлар соҳада эришилган ютуқларни ижобий баҳолаб, ўз ечимини қутаётган бир қатор долзарб масалалар — таълим муассасалари иншоотларини тренерларга спорт машғулотларини ташкил этиш учун вақтинчалик беришда коммунал ва тозалаш ишлари учун тўловларини тўлаш, спорт жихозларини олиб келиш ҳамда улардан фойдаланишга эътибор қаратди.
Йиғилишда кўмита аъзолари томонидан мазкур соҳани кенг таъдиқ этиш, оммавий спортни жадал ривожлантириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.
Тадбир якунида билдирилган тақиқлар асосида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БАЛОҒАТ ҲАМДА ҲАММАГА АСОСИЙ ЛОЙИХАНИ ТАЎБИШ ТИЗИМИ



Оила ҳаётининг абадийлигини, авлодлар соғлиги ва давомийлигини таъминлайдиган, миллий анъана ҳамда урф-одатларимизни келгуси авлодларга етказадиган, шу билан бирга, келажақ авлод қандай инсон бўлиб камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи ҳисобланади.

Ҳўш, бугун оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга ёйиштириш борасида олиб борилаётган ишлар қай даражада самара бермоқда? Келин-куёвлар оилавий ҳаёт ҳақида етарлича билимга эга бўлиб турмуш қураётими? Рўзгор "араваси"ни тортиб кета олятиими? Умуман, мустаҳкам оилани шакллантириш учун нималарга эътибор қаратиш керак? Очиги, бундай саволларга жавоб беришда бир оз ўйляниб қолишимиз рост...

Халқимизнинг ҳар бир урф-одати, фазилатида теран миллийлик бор. Тўйлар халқимизнинг узоқ асрлик анъаналари, урф-одат ва удумларини ўзида муҳкам этакли, уни маънавий мерос сифатида қадрлаймиз. Худди шундай, никоҳ тўйи эзу қамга янги оила қурилайётгани маълум қилинаётган қадим удумлардан бири. Одатимизга кўра, фарзанд улғайтирган ота-она бунга узоқ йиллар ҳозирлик қўриб, орзу-хавасларининг ушалганини қавму қариндошлар даврасида нишонлайди. Жамият аталмиш улкан занжирда эса яна кичик бир халқа — янги оила пайдо бўлади. Ушбу оила кўрғони мустаҳкам бўлиши, келгуси йил шу пайтда бешик тўйига келиш ва ҳоказо эзгу-тиллаклар жамланган табрик сўзлари янграйди. Қисқача айтганда, бахт остонасидаги ёшларга ҳеч ким ёмонликни раво қўрмайди.
Аммо бугунги кунда бу ёш оилалар ичиде ҳар қанча фўрсат ўтмай, дара кетаётганлари қанча...

Умуман, ажралышлар, оилавий таназзул масаласи ҳавотирли муаммолардан биридир. Биргина Навоий вилоятида ўтган йилга доир никоҳ ва ажрлайишлари қайд этиш статистикасига разм солсак, 9 минг 236 та оила қуришнинг ҳолда 1 минг 259 та никоҳ бекор қилинганлигини кузатамиз. Тадқиқотлар бузилган оилаларнинг аксариятида қизлар 18-19, йигитлар эса 19-20 ёш атрофида никоҳдан ўтганили, янаям аниқроқ, оила қураётган ўспиринларнинг никоҳга ҳали тайёр эмаслигини кўрсатмоқда.
Афсуски, оилавий ажримлар тўғрисида қанчадан-қанча болалар ота ёки она меҳридан мосуво бўлмоқда...

Тўй бир кунлик, ҳаёт эса...

— Жамиятимиздаги иллатларнинг келиб қикши омилларидадан бири, бу ажримлардир, — дейди Нурота туманидаги 1-сонли ФХДЎ бўлими мудираси Зебо Мирзаева. — Бунга янги англамаган, ҳаётга енгил қарайдиган баъзи ота-оналар ҳали она сўти оғзидан кетмаган фарзандни турмушга узатишга шошади. Ҳатто баъзи зиёилар ҳам фарзанди фуқаролик паспортини олдиими, демак, турмуш қуриши мумкин, деган фикрда.

Яқинда Эшонсўдур маҳалласидан келиши. Бўлгуси келин эндигина паспорт олган. Маҳалла-қўй билан бу тўйни тўхтатишга уриндик. Лекин тушунтиришларимизга қарамай, қизни қонуний никоҳга узатишди.
Аммо шу ўринда аччиқ бир ҳаётий ҳақиқатни айтмасак бўлмас: қани эди, эрта турмушининг олдини олишни факат ҳўжжатлар белгиласан... Қанча қуйинмак, барибир ўз билганидан қолмайдиган ота-оналар бор. Никоҳ ёши 18 дан эканлигини билсанда, "Келин, шуларни ЗАГСдан ўтказиб қўйилдик", деб ўртага тушувчи обрў-эътиборли қишлар қанча?..

Никоҳ ва тўй ийғит ҳамда қизнинг бир-бирига қўнги қўйишдан ташқари қанда тарофларининг ташаббуси ва розилиғи билан амалга ошадиган жараён. Қузатишларимизга кўра, аксарият қизлар эрта турмушга рози бўлишмайди. Лекин қиз бола овқат пиширишни, саранжомликни билса бас, никоҳга тайёр, деган фикр одамларимизда ҳамон сақланиб қолмоқ-

да. Ваҳоланки, факат рўзгор туғумига ўргатиладиган қиз оғир кунларда оила аъзоларига қўш-қанот, моддий ва маънавий суянач қамқор-ҳаммаслақ бўла оладими?

— Утган йилнинг ёзида тиббиёт олийгоҳининг 1-босқичини тугаллаган қизни ниқоҳдан ўтказиш учун олиб келишди, — дейди Навбахор тумани ФХДЎ бўлими мудираси Ҳалима Нурматова. — Куёв ҳам ҳали талаба экан. "Оила қуриб, тиббиёт институтини қандай тугаллайсиз, қийна-либ кетасиз-ку?" дедик қизга. Жавобидан маълум бўлдики, ўқишга кирган кундан бошлаб, ўқинган қизнинг "овчилари" — совчилар тиним бермаётган эмиш. "Бўқмиш, тузукроқ жўдан чиққан экан, қизнинг ота-онаси шу таловда тўхталибди.
Очигини айтганда, халқимизда келин танлашда қиз қанча ёш бўлса, шунча яхши, деган тушунача устунлик қилади. Чунки уни тез мослаштириш, йўлга солиш осон эмиш.

Энди, ўзингиз айтинг, ўқинмаган ҳали юрми ҳам ўлмаган қизга совчи йўллаган оилани маърифатпеша деб бўладиими? Боринги, у ўқини амал-тақал қилиб тугатар, балки тузукроқ шифокор ҳам бўлмас, лекин беш йил мобайнида оила ва рўзгор ташвишларига талаба келинчақнинг бардоши етармикин?
Ахир қимга керак бундай синов?..

Мутахассисларнинг фикрича, йиғит-қизларнинг турмуш қуриши ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллardan биридир. Бирок баъзи ота-оналар ўз орзу-хаваслари йўлида фарзандларни келажақ тақдирига бевосита муносабатда бўлиши кўп ҳолларда бўлгуси онанинг саломатлиғи ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиғига, туғилмажасқ фарзандининг соғломлиғига салбий таъсир кўрсатиб, қуда-андалар ўртасида ҳам носўғлом муносабатлар юзага келишига сабаб бўлмаётими?

Ёшлар турмушга тайёрими?

Ёш оилалар билан боғлиқ муаммолар, ажримлар таҳлил қилинганида, аксарият йиғит-қизларнинг оила қуришга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр эмаслиғи кўриниб қолмоқда. Айрим ёшлар оила қуришга тайёр эмас, уларада оилага, турмушга жиддий масъулият ҳисси еттишмайди.
Мутахассисларнинг фикрича, йиғит-қизларнинг турмуш қуриши ёши оила мустаҳкамлиғига таъсир кўрсатувчи асосий омиллardan биридир. Бирок баъзи ота-оналар ўз орзу-хаваслари йўлида фарзанднинг келажақ тақдирига бевосита муносабатда бўлиши кўп ҳолларда бўлгуси онанинг саломатлиғи ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиғига, туғилмажасқ фарзандининг соғломлиғига салбий таъсир кўрсатиб, қуда-андалар ўртасида ҳам носўғлом муносабатлар юзага келишига сабаб бўлмаётими?

— Эрта никоҳ касб-ҳунар ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб улғурмаган қизларда ижтимоий яқаланишга олиб келади, — дейди Навоий вилояти "Она ва бола" скриптонинг маркази директорини Мафзула Ҳамроева. — Бу бевосита янги оилани камбағаллик сари бошлаб, хотин-қизларнинг оиладаги дискриминацияси, гендер тенглиги бузилишига замин яратади. Ачинарлиси, бундай оилавий муҳитда ўсган бола мактабга ҳам таълим муассасасида ҳам, мактабда ҳам ўзини яқалашга мойил бўлади.

Шифокор сифатида таъкидлашим жоиз, эрта турмуш қуриш табиийлиги, қиз бола организмиде ўсишда давом этаётган даврда ҳомиладорликка олиб келади. Эрта ёшда ҳомиладор бўлиш туғиш жараёнида она ва боланинг соғлиғига ҳавф солиши мумкин. Тўғри, 15 — 17 ёшга қизлар жисмонан етилади, аммо бу ҳали уларнинг она бўлиши учун физиологик ва руҳан тайёрлигини билдирмайди. Қизлар 15 — 17 ёшга тўлгани билан уларада ҳомилагин ривожланиши ва бола туғиш учун нормал шартин вужудга келмаган бўлади. Бир қатор физиологик омиллар сабаб туғиш жараёнида жарроҳлик усулидан фойдаланишга тўғри келиши мумкин.

Аксарият ҳолиларда эса эрта оила қу-

ган қизларда камқонлик, камқувватлик кузатилади. Бу ҳол кўпинча келинларнинг узоқ вақт бўйида бўлмаслиғига, ногирон гўдаклар туғилишига, туғурқдан кейин турли асоратлар ёки бешуштликка олиб келиши мумкин. Мазкур асоратлар, яъни камқон онани довлаш, ногиронлиги бор фарзандни дори-дармон билан таъминлаш — бу энди бир оилани эмас, бутун жамиятни ижтимоий муаммолар гирдобига тартади. Шу боис тиббиёт ёшлар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20 — 30 ёш оралиғи деб ҳисоблади.

Энг асосийси, турмуш қураётган ёшлар маълум касбни эгаллаган, иқтисодий жиҳатдан мустақил, маънан етук, ўз эркин фикрига эга бўлиши лозим.

Оила шундай бир боғки...

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон учун оила бу — умрининг бошлиниши, барча эзгуликлар муқаддимасидир. Зеро, инсон ўз бахт-саодатини, аввало, оиласи билан боғлайди. Ҳўш ўзи уйи, оиласида бахт толган инсонгина жамиятга ҳимат ўзини эркин ва тўлақонли ҳис этади.

Таъкидланганимиздек, никоҳ, оила қуриши икки ёшнинг ўз ихтиёри билан ўз тақдирларини бир-бирига боғлашни аңглатади.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қўйидаги вакант лавозимларни малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш мақсадида очик танлов эълон қилади:

- Иқтисодиёт ва молия кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимига;
- Давлат бошқарувининг сиёсий асослари кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимига;
- Менежмент назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент ва катта ўқитувчи лавозимига;
- Бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси: доцент лавозимига;
- Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи лавозимига;
- Хорижий тиллар кафедраси: доцент ва катта ўқитувчи лавозимига;
- Бошқарув маҳорати кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимига.

Талабгорлар учун қўйиладиган асосий шартлар:

— номзодлар тегишли ихтисослик бўйича илмий

даража (DSo ёки фан доктори, PhD ёки фан номзоди) ёки илмий унвонга (доцент, профессор), шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даража ва унвонларга эга бўлиши лозим (бу катта ўқитувчи лавозими учун талаб этилмайди);

- давлат тилини муқаммал, шунингдек, хорижий тиллардан бирини (рус, инглиз, француз ва немис тилларидан бирини) эркин даражада билиши;
- зарур бўлган касбий ҳамда ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ҳамда кўникмалар (педагогик маҳорат, жамоа ва тингловчилар билан ишлаш олиш)га эга бўлиши;
- дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билим ва кўникмаларига эга бўлиши.

Танлов номзодларига устуворлик берадиган алоҳида жиҳатлар:

- мутахассислиги бўйича халқаро нуфузли (QS Top — 1000) олий таълим муассасасини тамомлаган ёки унда фаолият юритганлиги;
- халқаро нуфузли (QS Top — 1000) олий таълим муассасасида малака оширганлиги ёки стажировка ўтаганлиги;
- халқаро лойиҳаларда раҳбар ёки аъзо сифатида иштирок этганлиги;
- IELTS/TOEFL сертификати га эгаллиги (GEFR B2, C1, C2);
- SCOPUS ва WEB OF SCIENCE базаларига киритилган нуфузли журналларда мақола чоп этганлиги ва "h-index"га эгаллиги;

Академияда профессор-ўқитувчилар учун яратилган имтиёзлар:

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг лавозим машоғлари микдорига тенглаштирилган;
- касбий билим ва кўникмалари, илмий тадиқот фаолияти натижадорлиғига қараб ойлик машоғи 100 фоизга қадар устамалар ва мукофотлар берилиши мумкин;
- профессор-ўқитувчилар таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳодимлари учун назарда тутилган тиббий таъминот шартлари таъдиқ этилади, ёпиқ сузиш ҳавзаси, ёпиқ спорт мажмуаси ҳамда очик спорт майдонларидан бепул фойдаланади;
- кампада икки йилда бир мартада хориж давлатларида стажировка ва турли малака ошириш курсларига юборилади.

МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

Муаллимлик — буюк мақом. Чунки пайгамбарлар муаллим бўлганлар. "Муаллим" сўзининг маъноси илм берувчи, таълим берувчи, ўргатувчи демакдир. Пайгамбарлар инсониятга эзгуликни ўргатган. Ана шунинг ўзиёқ устозлик қай даражада юксак мартаба эканини кўрсатади.

Илм — руҳ озиғи. Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгаланнади. Устозлар бежиз пайгамбарларнинг меросхўрлари, деб эъзозланмаган. Ўз билимларини бошқаларга ўргатган муаллимларнинг юксак мақоми тўғрисида муқаддас Қуръони карим оятлари ва Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўғитларида айтилган.

Қадрли устозимиз, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига

Хотира

Усмонхон Алимов биз учун ана шундай маънавий осмонда ёрқин зинб тартиб турган йўлчи юлдуз каби эди. Бу инсон шарофати билан қўлбас одамлар ҳаётида тўғри йўлни тоғди, жаҳолат зулматларидан ёруликка етишди.

Ўзбек халқининг алломо фарзанди жуда кўп етук олимларнинг, дин арбобларининг устози эди. Зотан, бу инсоннинг ўзи ҳам катта илм-фан даргоҳларида пухта билим эгаллаганди. Жумладан, 1982-1983 йилларда Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида, 1983 — 1987 йилларда Имом Бухорий номидagi Тошкент ислом институтида, 1989-1990 йилларда эса Марокканинг "Каравийн" дорилфундунида тахсил олади.

Замонамизнинг етук олими сифатида Ўзбекистондаги таълим масканларида ўз маърузалари билан мунтазам қатнашиб турарди. Олим Ўзбекистон халқаро ислом академияси (аввалги Тошкент ислом университети) фахрий доктори унвонига эга эди.

Муфтий Усмонхон Алимов ислом дини маърифатининг толмас тарғибчиси бўлган. Устоз Ўзбекистон масжид ва мадрасалари диний таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш, ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари ҳақида бевосита бошчилик қилганидан хабардоримиз. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда илмий асосланган мазмунли маърузалари билан мунтазам иштирок этди. Жумладан, 2019 йил давомига ундан зиёда хорижий мамлакатлардаги нуфузли анжуманларда долзарб мавзуларда нутқ сўзлади.

Қамина Самарқандда ва Европа мамлакатларида ҳазрат билан бир неча бор ислом дини масалалари бўйича мулоқот қилиш шарофати мўъсар бўлганман.

Хар қандай инсонга манфаатли билим ўргатувчи киши динимизда кўрсатилган қўлбас ва эъзозларига сазовор ҳисобланади. Машоихларимиз айтишларича, кимга Аллоҳ тоало таълим олиш нўъматини насиб этса, унга билимларни доимо ёдда тутиш, уларнинг фақилатлари ва фойдаларини оммага етказиш, устозлар ҳақларига дуо қилиш, Аллоҳдан улар учун розилик сўраш каби ишлар билан шўкр бажо келтириш лозим бўлади. Бу — шогирд зиммасидаги энг муҳим вазифалардандир. Зотан, устоз унга отаси бергандан кўра, афзалроқ бўлган абадий саодатга

узoқ йиллар раислик қилган марҳум муфтий Усмoнхoн Алимов ҳақида ўйлаганимизда, ушбу ҳақиқатнинг нақадар буюклигига яна бир бор амин бўламиз.

Илму маърифат зиёсини таратиш — савобли амал. Шунинг учун ҳам борлиқдаги ҳамма нарса устознинг ҳақиқига дуо қилиб туради. Устоз ва мураббийлар жамият биносининг меъморлари, маърифат боғининг борбонларидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун беқийс меҳнат қилади. Шу боис ҳам унинг шогирд устидаги ҳақиқ бениҳоя катта ва улғуғдир.

Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради, балки унга фарзандига кўрсатмаган таважжуҳ билан юзланади. Унинг маънавий оламини ўзининг қалб қўри билан иситида, илм кўёшининг жозибадор зиёси билан мунаввар этади. Шогирдининг салоҳияти учун туну кун дуода бўлади. Вақти келиб, шогирд ҳам маънавият боғига ўзининг сарҳил меваларини тақдим қилади.



Алимовга "Москва муфтияти"нинг "Ислом диний-маърифий тикланиши ишига қўшган ҳиссаси учун" медалини топишри шарофати мўъсар бўлдим. Илм дини маърифатини кенг тарқатиш, бузғунчи кўчларга қарши биргаликда курашиш ва узаро ҳамкорликдаги энг кўламли ишлари учун Усмонхон Алимов Россия Федерацияси Свердловск вилояти мусулмонлари идораси томонидан "Кумуш ярим ой" медали билан тақдирланганди. Шунингдек, бу инсон Марказий Осиё мусулмонлари маънавий тараққиётига кўп йиллар хизмат қилгани, тинчлик-осойишталик, фаровонлик каби исломий тамойилларга содиқлиги, урф-одатларни тиклаш ва асраб-авайлашга қўшган ҳиссаси учун Қўрғизистон мусулмонлари идорасининг 1-даражали "Иттифоқ" медалига сазовор бўлганди.

Усмонхон Алимов халқаро эътибор ва эҳтиром сабаб Умюн Султoнлиги Исломий стратегик тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган "Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони" рўйхатида нуносиб ўрин эгаллади.

Усмонхон Алимов муфтийлиги даврида Ўзбекистон мусулмонлари идораси қўшни ва хориж давлатлари мусулмонлари диний идоралари билан дўстона муносабатлар ўрнатди.

Ўзбекистонда диний бағрикенгликка фақат маърифат билан эришилиши ҳисобга олиниб, институционал асослари мукамаллаштиришга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил қилинди.

Худудларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасавуф илмларини ўрганишга ихтисослаштирилган илмий мактаблар очилди. Бундан қўнжлардан асосий мақсад ислом динини чуқур ўрганиш ва унинг маърифатпарвар гояларини кенг жамоатчиликка етказишдан иборат бўлди.

Усмонхон Алимов муфтийлиги даврида ислом динининг асл инсонпарвар гояларини тушутириш ишларига алоҳида урғу берилди. Бугун Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакат равақи йўлида, бир тан-бир жон бўлиб, елкама-елка меҳнат қилиши дин соҳасидаги ислохотларнинг ҳам амалий натижасидир.

Устозни Россия Федерацияси мусулмонлари диний бошқармасидагилар яқиндан билишар ва биргаликда жуда қўлбас лойиҳалар амалга ошириб келинаётган эди. Хусусан, бу йил "Волга Булгарисиди ислом қабул қилинганлигининг 1100 йиллиги"га бағишланган муҳим тадбирни ҳамкорликда ўтказишни режалаштираётган эдик.

Хурматли шайх Усмонхон Алимов таниқли диний арбоб, обрўли киши бўлиб, жуда қўлбас тадбирларда, жумладан, биз ташкил этган Россиядаги ва хориждаги конференцияларда муттасил қатнашиб келган. Дунёга маълуму машҳур Мир Араб мадрасаси битирувчиси бўлгани учун ҳам устознинг диний билимлари жуда кўчи эди. Шунинг учун Россия ва МДҲ мамлакатларининг диний уламлари бу доно инсондан доим ислом динини ривожлантириш масалаларида кўмакли муносабатлар олишарди.

Шўбҳасиз, давлат раҳбарлари томонидан давлат — дин муносабатларини моҳирона тартибга солиш, уларнинг диндорлар эҳтиёж ва оруз-умидларига эътибор қаратиши жамиятда маънавий-ахлоқий барқарорликни таъминлашда муҳим жиҳатлардан биридир. Усмонхон Алимовнинг ислом дини маърифатини кенг ёйишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига ҳаммадан бўлиб фаолият олиб борганларини тарих унутмайди.

Устознинг яна бир хизматларига тўхталмасак бўлмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давлат раҳбарининг ушбу эзгу

Дарҳақиқат, Усмонхон Алимов ўзидан нафақат катта илмий-маърифий мерос, балки гўзал фазилатлар ибратини ҳам қолдирди. Ибратли ва шарофли умр кечирди. Улар абадий, узoқ йиллар давомида кейинги авлодларга хизмат қилувчи садақалар жориядир.

Аллоҳ тоало шайх Усмонхон Алимовнинг ҳаётлик давридаги солиҳ амалларини, ислом дини ривожидидаги хизматларини, маърифий ислом ва илму зиё таратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини хусни қабул айлаб, Ўз раҳматига олган бўлсин. Чеккан дардлари ортдан ваъда қилингандек шаҳидлик мақомини насиб айласин. Солиҳ амаллари охиратларининг обод бўлишига қўмақ берсин!

Альбир ҚРҒАНОВ,
Москва муфтиёси, Россия мусулмонлари диний жамоасининг раҳбари, Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси аъзоси.

Таълим

Покистон Ислом Республикасининг Лаҳор университети билан ҳамкорликдаги янги олийгоҳ Янги Наманган туманидаги 2-тиббий коллеже ва собиқ диагностика маркази бино-иншоотларига жойлаштирилди.

НАМАНГАНДА ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Унда тиббийот соҳасидаги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, тиббийот, стоматология, фармацевтика, IT, халқаро ҳуқуқ ва бизнес йўналишлари бўйича факультетлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Бинони таъмирлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри хорижий сармоя йўналтирилди. Янги олий таълим муассасасини 2022/2023 ўқув йилидан ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

- Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:
 - 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
 - 2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
 - 3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
 - 4) Пицца 45x45 см. — 20 та.
- Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.
- Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгартиришга мослаштирилган (фаза номуносивлиги).
- 12 ойлик кафолат.
- 5 йил беул сервис хизмати кўрсатилади.
- Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

КАСБИ ТУМАНИДА 19 ТА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ «ИЖАРАДА ЯШАЙДИ»

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги "Янги Майманок" маҳалла фуқаролар йиғини остонасидан кирган захотим юзимиға намҳуш зах ҳиди урилди. Шифти эскилигидан осилиб қолган, деворлари анча вақтдан буён таъмир кўрмаган бу бино йўлаклари бўйлаб, бир нечта хонага бош суқиб чиқдим, лекин бирорта одам топа олмадим. Кейин қарасам, ҳамма ходимлар битта хонада электр печь атрофида қунишиб ўтиришган экан.

Таассуф

Улардан бири "Қатагон" МФЙ бўйича ҳоким ёрдамчиси Жаҳонғир Жабборов билан танишдик. Хонасида гаплашиб оламиз, дегандим, у хали хона берилмагани, компьютер, принтер ва бошқа жиҳозларни қаерга қўйишни билмай турганини айтиди. Хайрон қолдиргани шу бўлдики, битта эски бинода икита — "Қатагон" ва "Янги Майманок" МФЙлари жойлашган экан. Бино эса жуда эски, иситилмайди, ташқаридан кўра ичкари совуқ. "Янги Майманок" МФЙ раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Абдулла Каримовга ишдан бўшаш бўйича оғохлантириш хати келибди, ҳозирча ишлаб турган экан. Мени янада ажаблантиргани, бу ерда ишловчи ходимлар бино атрофини чиқинди босиб кетганини, бу ҳолат турли касаликлар келтириб чиқаришни хаёллариға ҳам келтиришмайди. Ва-



ча ўринбосари Рустам Тўраев билан фикрлашдик. Унинг гаплариға кўра, тумандаги 42 та маҳалланин 19 таси "ижарада яшайди".

Масалан, МФЙлардан "Мустақилбод" — мактабда, "Нуробод", "Оққамиш" — коллежда, "Месит" тадбиркорлик субъекти биноларида жойлашган. Р. Тўраевнинг айтишича, ҳар йили 3-4 та маҳалланин янги биноси қурилиши режалаштирилган ва бир-икки йил ичида ҳаммаси ўз худудида, замонавий типдаги биноларда фаолият кўрсата бошлайди.

Халқимизда ўзи яшаб турган ҳовлини озода тутиш, агрофига гуллар экиш, супериришдиришдек азалий удум бор. Чунки тозалик бор жойда барака бўлади. Касбида юқорида гувоҳи бўлганимиз — ма-

Фахридин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 239. Буюртма Г — 248. 30 639 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотлари қўлаб олиш учун QR-коднинг телефониғи орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташкил этилган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Муасхуҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.51 Тошириди — 00.45 1 2 3 4 5 6